



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 7 сентябрь, № 185 (7143) • Жума

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ДИЛЛАРНИ ДИЛЛАРГА, ЭЛЛАРНИ ЭЛЛАРГА ПАЙВАНД ЭТАДИГАН САНЪАТ

Шахрисабз шаҳрида 6 сентябрь куни Халқаро мақом санъати анжуманининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.



Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 3 август куни мамлакатимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувда инсон тафаккурини юксалтириш, айниқса, ёшлар қалбига эзгу фазилатларни шакллантиришда санъатнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс эканлигини таъкидлаган эди. Бинобарин, халқимизнинг бой маданий мероси, кўз-кўз этса арзигулик урф-одатлари, санъати борки, улар билан чексиз фахрланамиз.

Шу боис бугун аждодлар анъанасини давом эттириш, тарғиб этиш, санъат орқали тинчлик, дўстлик, аҳиллик, қардошлик каби фазилатларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари айнан уша учрашувда "Биз халқимизнинг ноёб мероси бўлган мақом санъатини нафақат юртимизда, балки бутун дунё бўйлаб кенг тарғиб қилиш, керак бўлса, халқаро миқёсда мақом танловларини ташкил этиш устида ишлашимиз керак", дея қайд этган эди.

Ҳар икки йилда бир марта Шахрисабз шаҳрида ўтказилишига асос солинган Халқаро мақом санъати анжумани ана шу йўлдаги эзгу ниятларнинг амалий ифодасидир. Зеро, Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги "Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2018 йил 6 апрелдаги "Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш тўғрисида"ги қарорлари ўзбек мумтоз музыкаси тарихида янги даврни бошлаб берди. Мазкур ҳужжатларда мақом санъатини янада ривожлантириш ва унинг бутун дунё бўйлаб тан олиншига имкон яратиш борасида муҳим вазифалар белгиланган.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО МАҚОМ САНЪАТИ АНЖУМАНИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам халқаро анжуман иштирокчилари!

Қадрли дўстлар!
Хонимлар ва жаноблар!

Бугун бағрикенг, меҳмондўст, санъатсевар ўзбек диёрида катта байрам, катта шодиёна.

Жонажон Ватанимизнинг гўзал ва бетакрор масканларидан бири Шахрисабз замида, буюк Амир Темуր бобомиз бунёд этган муаззам Оқсарой майдонида Халқаро мақом санъати анжумани тантанали равишда очилмоқда. Шу муносабат билан сиз, азизларни, ўз ҳаётини ноёб мусиқа дурдонаси бўлмиш мақом санъатига бағишлаган фидойи инсонларни чин қалбимдан муборакбод этаман.

Бугунги тантанамизда иштирок этаётган юқори мартабали меҳмонларимиз ЮНЕСКО, Осиё фольклор иқидиёти ташкилоти каби нуфузли халқаро тузилмалар вакилларига алоҳида миннатдорлик билдираман.

Россия Федерацияси Президентининг маслаҳатчиси Владимир Ильич Толстойга, Қирғизистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Султанбай Райёвга, Қозғистон Республикаси маданият ва спорт вазирлиги Арстанбек Мухаммед ўғлига, Тожикистон Республикаси маданият вазири Шамсиддин Урумбековга, Озарбайжон Республикаси маданият вазири Абульфас Гараевга, Туркия Республикаси маданият ва туризм вазирининг биринчи ўринбосари Аҳмад Халук Дурсунга ўз ташаккурларимизни билдираман. Уларнинг юрларида ҳам мана шундай санъат байрамлари кўп бўлсин ва уларда қатнашиш бизга ҳам насиб этсин.

Яна бир қатор давлатларнинг маданий соҳаси раҳбарларини, хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги муҳтарам элчиларини самимий қутлаб, чуқур миннатдорлик билдиришга руҳсат этгайсиз.

Биз сизларнинг тимсолингида тинчлик ва эзгулик намоёндаларини, халқимиз ва маданиятимизнинг ҳақиқий дўстларини кўраман.

Хуш келибсиз Ўзбекистонга, хуш келибсиз Шахрисабзга!

Хурматли анжуман қатнашчилари! Мамлакатимизда биринчи бор ўтказилган ушбу санъат байрамида дунёнинг 73 давлатидан келган 300 га яқин иштирокчилар ва меҳмонлар қатнашмоқда. Уларнинг орасида нафақат ўз юртида, балки жаҳон миқёсида ҳам машҳур хонанда ва созандалар, маданият ва

санъат арбоблари, мусиқашунос олимлар борлиги барчамизга катта мамнуният бағишлайди.

Бугун Шахрисабзнинг мовий гумбазлари остида жаҳондаги кўплаб халқлар ва мамлакатларнинг мусиқий хазинасига айланган, ўзининг теран фалсафаси, илоҳий қудрати билан минг-минглаб қалбларни мафтун этадиган мақом садолари баралла янграмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, биз учун бебаҳо бадиий қомус бўлган мақом санъати асрлар, неча юз йиллар давомида инсон руҳини, унинг дарду армонларини, эзгу интилишларини юксак пардаларда ифода этиб келмоқда.

Шарқ мумтоз адабиёти, тасвирий санъати, илму маърифат, исломий қадриятлардан озиқланган мақом санъатига — ана шундай буюк маданий мерос ривожига ўзбек халқи ҳам муносиб ҳисса қўшгани билан биз ҳақиқи равишда фахрланамиз.

Бу ноёб бойлиқни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, ундан дунё ахлини баҳраманд қилиш, келгуси наслларга безавол отқазиб турли қитъа ва мамлакатлар вакилларини бу гўзал масканда мужассам этган анжуманимизнинг асосий мақсадидир.

Қадрли дўстлар!

Бугунги санъат форумини айнан Шахрисабз шаҳрида ташкил этганимиз беҳиз эмас, албатта.

Бу шаҳар ўзининг 2700 йиллик қўнра тарихи давомида оғир ва машаққатли синовларни, таҳликали замонларни ўз бошидан кечирди. Аммо ҳар қандай мурраккаб даврлар, уруш ва босқинлар, табиий офатлар ҳам уни тарих саҳифасидан ўчира олмади.

Шахрисабз буюк саркарда ва давлат арбоби, маданият ва санъат ҳомийси Соҳибқирон Амир Темуր бобомиз камолга етган муътабар маскан сифатида ҳам дунёга маълум ва машҳурдир.

Бу шаҳар қадим-қадимдан улуг аллома ва шоирлари, санъат ва маданият аҳли, қўлигул усталари, моҳир хунармандлари билан шўхрат қозониб келади. Унинг бағридаги ноёб мезморий обидалар, нодир ёдгорликлар бу ҳақиқатни яққол тасдиқлайди.

Бугунги кунда халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, фидокорона меҳнати билан Шахрисабз юртимизнинг энг обод масканларидан бирига, замонавий маданият ва туризм марказига айланиб бораётгани барчамизни қувонтиради. Муҳтарам меҳмонлар!
Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлаш-

ган Ўзбекистон замини қадимий цивилизация, маданият ва санъат бешикларидан бири бўлиб келаётгани, ўйлайманки, сизларга яхши маълум.

Самарқанд вилоятининг Мўминobod қишлоғидан топилган 3 минг йиллик най чолғуси, Термиз яқинидаги Айритом археологик ёдгорлигида акс этган созандалар тасвири ва бошқа кўплаб мисоллар миллий мусиқа санъатимиз, ҳеч шубҳасиз, бой ва қадимий тарихга эга эканидан далolat беради.

Буюк шоир ва мутафаккир Мир Алишер Навоий бобомизнинг айнан "наво", яъни мусиқий оҳанг, деган сўзини ўзларига тахаллус қилиб, бутун дунёда шўхрат топганини барчамиз яхши биламиз.

Халқимиз бадиий тафаккурининг маҳсули бўлган "Шашмақом", яъни олти макомни, таъбир ҳуж бўлса, олти азим дарёга қиёслаш мумкин. Бу дарёлар асрлар давомида жаҳон маданият уммонига куйилиб, уни ҳар томонлама тўлдириб, бойитиб келмоқда. Шунинг учун ҳам бу муаззам мусиқий дурдона ЮНЕСКО томонидан жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилгани чуқур маъно ва аҳамиятга эга, деб ўйлайман.

Азалдан санъатни, мусиқани бутун қалби билан севадиган, ижод ахлини муносиб қадрлайдиган эл-юртимиз бугунги анжумани катта қувонч ва ҳаҳсон билан қутиб олмоқда.

Бугун биз ана шундай улкан маънавий бойлиқнинг шаклланиши ва тарққибетида, бу умрбоқий санъатнинг бизга ча етиб келишида беқиёс хизмат кўрсатган улуг шоир ва мутафаккирлар, бастакор ва созандалар, буюк ҳофизларнинг хотирасини ҳурмат-эҳтиром билан ёд этамиз.

Азиз дўстлар!
Бугунги замонда барча эзгу ниятли инсонларни бирлаштириш, ёшларни юксак гуманистик идеаллар руҳида тарбиялашда мусиқа санъатининг ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Агар биз асл, ҳақиқий санъатни билмоқчи, ўрганмоқчи бўлсак, аввало, мумтоз мақом санъатини билишимиз, ўрганишимиз керак.

Агар биз санъатни, маданиятни кўтармоқчи бўлсак, аввало, мумтоз мақом санъатини кўтаришимиз керак. Мақом оҳанглари, мақом руҳи ва фалсафаси ҳар бир инсон қалбидан, аввало, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг онги ва юрагидан

чуқур жой олиши учун бор имкониятларимизни сафарбар этишимиз зарур.

Мақом санъатининг маданий ҳаётимиздаги аниқ шундай беқиёс таъсирини инobatга олиб, мамлакатимизда бу борада кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Албатта, сизлар анжуман кунларида ҳаммаёқ дўстларингиз, санъат муҳлислари билан мулоқотда бўлиб, ана шундай ишлар билан атрофича танишиш имконига эга бўласизлар.

Ўйлайманки, бугунги анжуман олдимизда турган муҳим назарий-амалий муаммоларни атрофича муҳокама қилиш, бу борада халқаро таърибга; замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, интернет имкониятларидан кенг фойдаланиш, турли маданий ва ижодий ташкилотлар ўртасида ҳамкорликни кучайтириш, ўзаро борди-келдиларини йўлга қўйиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши айни муддао бўлув эди.

Шу маънода, анжуман доирасида ўтказилмаган "Мақом мусиқа санъати ва унинг жаҳон цивилизациясида тугган ўрни" мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция бу йўлда муҳим қадам бўлиши табиий.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги санъат ва нафосат байрамини юксак савияда ўтказиш учун ўзини аямасдан, фидокорона меҳнат қилган барча инсонларга, меҳмондўст ва олижаноб Қашқадарё вилояти ва Шахрисабз аҳлига анжуман иштирокчилари номидан, халқимиз номидан самимий миннатдорчилик билдиришга ижозат бергайсиз.

Муҳтарам дўстлар!
Азиз меҳмонлар!

Сизларнинг бевоқифа иштирокингизда бошланмаётган бугунги халқаро анжуман бардавом бўлиб, узоқ ва яқин минтақаларда мақом санъати ривожини янги босқичга кўтариш учун пойдевор бўлиб хизмат қилади, деб ишонаман.

Барчангизни халқаро мақом анжуманининг очилиши билан ана бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Дилларни дилларга, элларни элларга пайванд этадиган мақом санъатимиз ҳаммаша гуллаб-яшнасин!

Унинг фидойилари доимо бор бўлсин, омон бўлсин!
Барчангизга сихат-саломатлик, олижаноб фаолиятингизда янги ижодий ютуқлар, анжуман ишига муваффақиятлар тилайман.

Катта раҳмат сизларга, ана бир бор хуш келибсиз Ўзбекистонга!
Эътиборингиз учун ташаккур.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ЭЛЧИЛАРИДАН ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 сентябрь куни Беларусь Республикаси, Малайзия ҳамда Туркменистоннинг мамлакатимиздаги Фавкулотда ва мухтор элчилари этиб тайинланган Леонид Маринич, Хенди Ассан ва Язгули Маммедовдан ишонч ёрлиқларини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари элчиларни мамлакатимизда дипломатик миссиясини бошлагани билан самимий табриклар, уларга ушбу шарафли ва масъулиятли вазифада улкан муваффақиятлар тилади.

Инсон манфаатлари олий қадрият ҳисобланган мамлакатимизда барча соҳаларда бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат барпо этиш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган кенг қўламли ишловлар амалга оширилмоқда.

Бундай тарихий ўзгаришларнинг муҳим самаралари ташкилотида ҳам яққол кўзга ташланаётгани қайд этилди. Марказий Осиё давлатлари билан дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаш ва стратегик шерикликни йўлга қўйиш натижасида минтақада мулақо янги сиёсий муҳит шаклланди, ўзаро ишонч ва яхши қўнчилик муносабатлари мустаҳкамланди, манфаатли ва конструктив ҳамкорликни кенгайтириш учун имкониятлар кўпаймоқда.

Ўзаро савдо-иқтисодий, инвестиция, кооперация, маданий-гуманитар алоқалар фаол ривожланмоқда.

Ўзбекистоннинг жаҳондаги кўлаб мамлакатлар, жумладан, етакчи давлатлар, нуфузли халқаро ташкилотлар ва молиявий институтлар билан алоқалари сифат жиҳатдан янги, юқори босқичга кўтарилди.

Президентимиз ўз нутқида янги элчилар вакили бўлган давлатлар билан дўстлик ва амалий ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш истиқболлари тўхталиб ўтди.

Мамлакатимизда Беларусь Республикаси билан ҳар томонлама шерикликни йўлга қўйишга муҳим аҳамият қаратилаётгани таъкидланди.

Жорий йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми қарийб 4 баробар ошди. Иқтисодиётнинг турли тармоқларида истиқболли қўша лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Худудлараро алоқалар йўлга қўйилган, гуманитар алмашинувлар фаоллашмоқда.

Давлатимиз раҳбари Беларусь Президенти Александр Лукашенконинг Ўзбекистон Республика-

сига бўлажак расмий ташрифи давлатлараро муносабатларимиз тарихида янги саҳифа очилишига ишонч билдириди.

Ўзбекистон Малайзия билан кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор.

Сиёсий мулоқотни ривожлантириш, савдо, инвестиция, инновация, энергетика, транспорт, тиббиёт ва бошқа соҳаларда қўша дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Бугунги кунда туризм соҳаси, айниқса, зиёрат туризми бўйича самарали ҳамкорликни кенгайтириш учун улкан салоҳият мавжудлиги қайд этилди.

Президентимиз Туркменистон билан дўстлик ва яхши қўнчиликка асосланган анъанавий яқин муносабатлар икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси туфайли стратегик шериклик даражасига кўтарилганини алоҳида таъкидлади.

Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг жорий йил апрель ойида Ўзбекистонга амалга оширган муваффақиятли давлат ташрифи икки томонлама алоқаларни ривожлантиришда тарихий воқеа бўлди.

Олий даражада эришилган келишувларга мувофиқ, савдо, транспорт ва транзит, энергетика, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларда Ўзбекистон — Туркменистон ҳамкорлиги кенгайиб бормоқда. Мамлакатларимиз чегараларини худудлари ўртасидаги ишбилармонлик алоқалари ва гуманитар алмашинувлар янада фаоллашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти янги тайинланган элчиларининг бўй таърибаси, билими ва самарали дипломатик фаолияти мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва ўзаро манфаатли шерикликни кенгайтиришга хизмат қилишига ишонч билдириди.

Ўз навбатида, янги тайинланган элчилар самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, мамлакатларимиз ўртасидаги кенг қўламли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга бор куч-қайратини сафарбар қилишини қайд этди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

**КОРПОРАТИВ, ЛОЙИҲА БОШҚАРУВИ ВА
ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ СОҲАСИДА КАДРЛАРНИ
ТАЙЁРЛАШ, ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА
ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

Олий таълим муассасалари ва олий ўқув юртидан кейинги таълим муассасаларида таълимнинг илгор усулларини жорий этиш, шунингдек, корпоратив, лойиҳа бошқаруви ва давлат харидлари соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадига:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ҳузуридаги Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказининг Миллий таълим ва маданият вазирлиги ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райҳон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби деб ўзгартirilсин (кейинги ўрин-

ларда Бизнес ва бошқарув олий мактаби деб юритилган).

2. Бизнес ва бошқарув олий мактабига Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Миллий агентлик) билан келишилган ҳолда: шу соҳадаги етакчи хорижий таълим муассасалари билан ушбу муассасаларнинг ўқув режалари ва дастурлари асосида Ўзбекистон Республикасида тан олинмаган давлат намунасидаги дипломлар берган ҳолда магистратура дастурлари юзасидан "икки диплом" (double degree) модели бўйича ўқиниш ташкил этиш борасида келишувлар тузиш;

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

КОРПОРАТИВ, ЛОЙИҲА БОШҚАРУВИ ВА ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ СОҲАСИДА КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ, ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

жаҳондаги таълим фаолиятига доир энг намунали амалиёт ва меҳнат бозорининг реал талабларини ҳисобга олган ҳолда норматив ва қисқартirilган муддатларда (анъанавий ва масофавий технологиялар), ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда магистратурада ўқишни ташкил этиш, шунингдек, Бизнес ва бошқарув олий мактаби дастурлари бўйича ўқиш учун номзодларни танлаб олиш мезонларини белгилаш;

Бизнес ва бошқарув олий мактаби профессор-ўқитувчилари фаолиятининг турлари бўйича вақт мезонларини белгилаш;

Бизнес ва бошқарув олий мактабининг тузилмаси, штатлар жадвали, ходимлари ва жалб этиладиган консултантлар (экспертлар) меҳнатига, шу жумладан, соатбай ҳақ тўлаш миқдори ва тизимини белгилаш ҳуқуқи берилсин.

3. Куйидагилар Бизнес ва бошқарув олий мактаби фаолиятини молиялаштиришнинг манбалари этиб белгилансин:

тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар; хўжалик фаолияти ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

буш турган маблағларни тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан олинadиган даромадлар; жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайрия маблағлари;

халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Олий таълим муассасаларига, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муассасаларига, уларнинг мулкчилик шакли ва бўйсунувида қатъи назар, масофавий ўқитишни ташкил этиш ҳуқуқи берилсин.

5. Миллий агентлик:

а) 2018 йил 1 октябрга қадар муддатда: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда олий таълим муассасаларида, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муассасаларида масофавий ўқитишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни;

Давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида, давлат корхоналари ва устоз жамғармаси (капитали)да давлат улushi 50 фоиз ва ундан кўпроқ миқдорда бўлган юридик шахслар, устоз жамғармаси (капитали)нинг 50 фоизи ва ундан кўпроқ миқдори давлат улushi 50 фоиз ва ундан кўпроқ бўлган юридик шахсга тегишли юридик шахсларда фаолият юритувчи давлат харидлари соҳасидаги мутахассисларни мажбурий сертификатлаштириш тўғрисидаги низомни, ушбу мутахассисларни мажбурий сертификатлаштиришни 2019 йил 1 мартдан амалга оширишни назарда тутган ҳолда;

б) 2018 йил 1 ноябрга қадар муддатда:

Бизнес ва бошқарув олий мактаби уставини, шу жумладан, унинг Васийлик кенгаши таркибини;

Бизнес ва бошқарув олий мактабига ўқишга қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни;

Бизнес ва бошқарув олий мактаби профессор-ўқитувчилари таркибини танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқин ва тасдиқласин.

6. Миллий агентликка:

– лойиҳа ва корпоратив бошқарув, баҳолаш ва харид фаолиятида, лойиҳавий молиялаштириш, стратегик ва молиявий менежмент соҳасидаги давлат таълим стандартлари, шу жумладан, ўқув юкламаси ҳажмлари, малака талаблари, ўқув режалари ва дастурларини тасдиқлаш;

Бизнес ва бошқарув олий мактабининг магистратурасига ўқишга қабул қилиш квоталарини белгилаш;

Бизнес ва бошқарув олий мактабининг магистратурасига кириш имтиҳонларини ўтказиш шакллари, фанлар, дастурлар, натижаларни баҳолаш мезонлари рўйхатини тасдиқлаш ҳуқуқи берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 30 сентябрдаги "Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2414-сонли қарорининг 8-бандида назарда тутилган имтиҳонларнинг амал қилиш муддати 2022 йил 1 июлга қадар узайтирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 30 сентябрдаги "Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2414-сонли қарорининг рус тилидаги матнида 4-банднинг тўртинчи хатбошии куйидаги тахрирда баён этилсин:

"Предоставить директору Высшей школы бизнеса и управления право вносить, при необходимости, по согласованию с Национальным агентством проектного

управления при Президенте Республики Узбекистан изменения в организационную структуру Высшей школы бизнеса и управления".

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 27 октябрдаги "Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказининг самарали фаолиятини таъминлашга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги 305-сонли қарори 1-бандининг иккинчи — тўртинчи хатбошилари, шунингдек, қарорнинг 1 — 3-иловалари 2018 йил 1 ноябрдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Миллий агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси Раҳбари Ш. Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президентини маъмуриятининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов, Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Д. Р. Ли ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 5 сентябрь

ДИЛЛАРНИ ДИЛЛАРГА, ЭЛЛАРНИ ЭЛЛАРГА ПАЙВАНД ЭТАДИГАН САНЪАТ


(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Шаҳрисабда 6 сентябрь куни Халқаро мақом санъати анжуманининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Шу муносабат билан "шил шаҳар" дея эътироф қилинадиган Шаҳрисабда янада жозоба касб этган. Санъат анжумани одаллар кайфиятига ҳам таъсир қилган. Ҳамма хурсанд, шод. Анжуманга қўрилган пухта тайёр-гарлик худудга ўзгача фойза бахш этган. Сулим боғ ва хиёбонлар, нурафшон кўчалар таровати, турфа гуллар ифори ҳар қандай кишига янада кўтаринкилик бағишлайди. Жаҳоннинг турли минтақаларидан келган одамлар чекрасидаги мамнунлик, ўзаро самимий муносабат Шаҳрисабда катта байрам бошланғичидан дарак беради.

телеканоли муҳбири Роберт Францев. — Оқсарой худудида мамлакат вилоят ва шаҳарларини диққатга сазовор жойлари, тарихий обидалари, миллий урф-одат ва анъаналардан намуналар ташкил этилган анжуманга ўзига хос мазмун бағишлаган.



МАҚОМ АРТ INTERNATIONAL FORUM SHAHRISABZ-2018 WWW.MAQOMFORUM.UZ



Ёлқин ШАМСИДДИНОВ (ЎЗА) олган сурат.

19.00. Шаҳрисабда, Оқсарой майдони.

Майдон Халқаро мақом санъати анжуманининг тантанали очилиш маросимига йиғилган томошабинлар билан гавжум. Улар орасида анжуман катнашчилари ва меҳмонлари, санъат ихлосмандлари, мусикашунос олимлар, чет эллик ва маҳаллий журналистлар, сайёҳлар бор.

Фестиваль катнашчилари ва томошабинлар Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевни қарсақлар билан кутиб олади.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевга берилди.

Давлатимиз раҳбари Халқаро мақом санъати анжумани иштирокчилари ва меҳмонларини қутлар экан, илк бор ўтказилаётган мажмура тадбирининг чўқур инсонпарварлик руҳи ва фалсафаси, халқлар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, маданий мулоқотни ривожлантириш, мум-

ган масканларни тасаввурингизда гавдалантиради. Бу куй сехри, оҳанг завқи, мусика кудратидир.

Мустақиллик йилларида миллий мусика санъатини чўқур ўрганиш ва янада ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. "Шашмақом", "Катта ашулманда", "Шашмақом", "Катта ашулманда" инсониятнинг энг дурдона кашфиётлари сифатида ЮНЕСКОнинг Жаҳон номодий мероси рўйхатига киритилди. Ўзбекистон давлат консерваторияси, ўнлаб театр йўналишидаги замонавий таълим муассасалари барпо этилди. Қатор кўрик-танлов ва фестиваллар ёш истеъоддорларни кашф этиш, улар маҳоратини ошириш ҳамда янги марраларга руҳлантиришда муҳим омили бўлмоқда.

Маросим кўзгич давом этмоқда. Мумтоз ашулалар, фольклор намуналари, рақслар дилларни жўштиради. Шўх куй-қўшиқлардан завқланган томошабинлар санъаткорларга жўр бўлади.

— Келганимга икки кун бўлди,

тинчлик ва дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, маданий алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз. Бу юртингизда маданият ривожига алоҳида эътибор қаратилаётганидан яққол далолат беради.

Санъат байрами катнашчилари Оқсарой майдонидagi асосий сазнадан ташқари, қатор маданий-маърифий муассасаларда ҳам концерт дастурлари намойиш этилади. Шаҳардаги истирожат боғлари ва хиёбонлар, театрлар, маҳалла гузарлари, болалар мусика ва санъат мактабларида учрашувлар ўтказилади, миллий таомлар кўргазмасидан баҳраманд бўлишади. Меҳмонлар Кашқадарёнинг ноёб тарихий обидаларини зиёрат қилиш, она дивёридаги етиштирилган турфа ноз-неъматлар билан тўла бозорларимизни кўриш, истиқлол йилларида халқимизнинг фидокорона меҳнати билан эришилаётган улкан ютуқ ва марралар, амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш имкониятига эга бўлишади.


Дунёда қарама-қаршилик ва зиддиятлар кучайиб бораётган бугунги ўта мураккаб замонда миллати, тили ҳамда дини турлича бўлган миллионлаб одамларни ҳеч қандай таржимонсиз дўст қиладиган, улар ўртасида ҳамкорлик ва ҳамжihatликни янада мустаҳкамлайдиган мусика санъатининг ўрни ҳамда таъсири тобора ортиб бормоқда.

10 сентябрга қадар давом этадиган санъат анжуманида 29 давлат вакиллари мақомнинг турли йўналишларида ўзаро бахslashлади. Халқаро хайъат иштирокчиларини "Энг яхши мақом ансамбли", "Энг яхши қяхон чолгу икромиси" ва "Энг яхши яқяхон хонанда" номинациялари бўйича баҳолайди. Бундан олти юз йил муқаддам — буюқ Амир Темур замонида ҳам етти иклимдан энг моҳир созанда ва хонандалар йилгири, гузал анжуманлар ўтказганлари тарихий манбалардан яхши маълум. Орадан шунча йиллар, асрлар ўтиб, Ер юзининг донг таратган мусика усталари Шаҳрисабда тўплангани беқубёс аҳамиятга эга.

Буларнинг барчаси меҳмонларнинг мамлакатимиз ва халқимиз ҳақидаги тасаввурларини кенгайтиради, улар учун ижод ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қиладди.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, "Халқ сўзи" муҳбири.

ОЛИЙ МАЖЛИС КОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИНИНГ ИЖРОСИ «ҲУКУМАТ СОАТИ»ДА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Жорий йилнинг 6 сентябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятида йўлга қўйилган янги анъанави мувофиқ "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги ҳамда "Парламент назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан "ҳукумат соати" ўтказилди.

Депутатларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа аҳолини ўрганиш юзасидан олиб борган ишлари ҳамда жойларда аҳоли томонидан кўтарилган масалалардан келиб чиқиб, қуйи палатадаги депутатлар бирлашмалари тақлифларига кўра, "ҳукумат соати" да кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги "2017 — 2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг жойлардаги ижроси ҳақидаги масала киритилди.

Мазкур масала юзасидан депутатлар саволларига атрофлича жавоб бериш учун Ўзбекистон Республикаси Экология ва аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг мутасадди раҳбарлари тақлиф этилди. "Ҳукумат соати"да таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори ижроси доирасида қўмитанин ҳудудий органлари хузурида 13 та "Тоза ҳудуд" давлат унитар корхонаси ва уларнинг 172 та туман (шаҳар) филиаллари ташкил этилди.

Туман ва шаҳар ободонлаштириш бошқармалари тасарруфида бўлган 1 403 та махсус техника, 1 102 та чиқинди йиғиш майдончаси, 6 131 чиқинди контейнери ва 160 та полигон "Тоза ҳудуд" корхоналари балансида ўтказиб берилди. Натижада республика бўйича 5 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. 2018 йил якунига қадар яна қўшимча 608 та иш ўрни ташкил қилинади.

Депутатлар таъкидлаб ўтганидек, ана шу ижобий ишлар баробарида, ўз ечимини кутаётган камчилик ва муаммоли масалалар ҳам мавжуд. Уларни бартараф этиш борасида мамлакатимиз Президентининг 2018 йил 18 майдаги "Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим қадам бўлди.

Мазкур ҳужжат билан 2019 — 2021 йилларда "Тоза ҳудуд" ДУКларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида Давлат бюд-

жети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши кўзда тутилган бир қатор манзилли дастурлар тасдиқланди. Уларга мувофиқ, 3 623 дона маиший чиқинди контейнери ва 732 дона махсус техника харид қилиш, шунингдек, чиқинди йиғишга мўлжалланган 644 та янги намунавий майдончанга қуриш, қаттиқ маиший чиқиндилар учун мўлжалланган 143 та полигонни тартибга келтириш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва аτροφ-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси мамлакатимиз Президентини қарорининг ижроси юзасидан берган ахборотидан сўнг депутатларнинг қатор бошқа саволларига жавоблар қайтарди.

Хусусан, депутатлар бугунги кунда "Тоза ҳудуд" ДУК туманлар (шаҳарлар) филиалларида зарур техникалар етishмаётгани, қўшимча равишда қаттиқ ва суёқ маиший чиқиндиларни олиб чиқувчи, чиқинди юклаш ва текислаш техникаларига эҳтиёж мавжудлиги, шартномалар ва чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш жадваллари, махсус автотранспорт воситаларининг бир тумандан иккинчисига чиқиндиларни ташши учун сафарбар қилиниши, ёнилғи-мойлаш махсулотлари билан етарли даражада таъминлангани билан қизиқдилар.

Жойлардаги ўрганишлар чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилаётган хизматлар учун тарифлар ҳар туманда турлича эканини кўрсатаётгани қайд этилди. Депутатлар ушбу тарифларни белгилаш бўйича ягона ёндашувни ишлаб чиқиш масаласига ҳам эътибор қаратдилар.

Тадбир якунида Қонунчилик палатаси қўмиталарига мазкур соҳага оид амалдаги қонун ҳужжатларини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш тавсия этилди. Шу билан бирга, мазкур йўналишдаги ишлар юзасидан самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

БУХОРО — ЮРАКЛАРДАН ЖОЙ ОЛГАН ШАҲАР

Миср Араб Республикасининг бир гуруҳ олимларидан иборат делегация 5-6 сентябрь кунлари Бухоро шаҳрида бўлди.

Қоҳирадаги олий ўқув юртлари вакилларидан иборат делегация ташрифини Когон туманининг Қасри Орифон қишлоғидаги Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси ва бу ерда фаолият юритаётган Мир Араб олий мадрасаси билан танишишдан бошлади.

Меҳмонларга Бухоронинг бой тарихи, ислом тамаддунида тутган ўрни, бу заминдан етишиб чиққан улғу алломалар ҳаёти ҳақида сўзлаб берилди.

Бухоро бўйлаб зиёрат сафари Абу Ҳафс Кабир ал-Бухорий мақбараси, Мир Араб

ва Жўйбори Калон ўрта махсус ислом билим юртлари, шунингдек, Пойи Калон мажмуаси каби меъморий ёдгорликлар билан танишиш асносида давом этди.

Миср делегацияси аъзолари бугунги кунда Президентимиз раҳномалигида мамлакатимизда маданий ёдгорликларни асраб-авайлаш, соф ислом маърифатини тарғиб қилиш, буюқ аждодларимиз қадимжоларини янада обод этиш борасида амалга оширилаётган ишларга юқори баҳо берди.

— Ўзбекистоннинг кўпгина шаҳарлари,

жумладан, Бухоро менга яхши таниш, — дейди Қоҳира университетининг меъморчилик кафедраси профессори Аҳмад Ражаб Мухаммад Али Ризқ. — Бу заминда кўплаб фундаментал фанлар ривожига ва ислом маданиятига улкан хисса қўшган улғу зотлар камол топган. Сафаримиз давомида Бухоронинг кейинги минг йиллик тарихига мансуб меъморий ёдгорликлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлганимдан хурсандман. Улардаги нақшларнинг бирортаси бири-бирини таққорламаслигидан ҳайратга тушим. Таассу-

ротларим ва илмий хулосаларим ҳақида мамлакатингиз тарихига бағишланган навбатдаги китобимиз ҳам алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Миср делегацияси аъзолари, шунингдек, бир қатор таълим муассасаларида бўлиб, баркамол авлод камолоти йўлида яратилаётган шартот ва имкониятлар, таълимда жорий этилаётган замонавий ишланмалар билан танишди.

Эркин ЁДГОРОВ, ЎЗА муҳбири.

роларим ва илмий хулосаларим ҳақида мамлакатингиз тарихига бағишланган навбатдаги китобимиз ҳам алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Миср делегацияси аъзолари, шунингдек, бир қатор таълим муассасаларида бўлиб, баркамол авлод камолоти йўлида яратилаётган шартот ва имкониятлар, таълимда жорий этилаётган замонавий ишланмалар билан танишди.

Эркин ЁДГОРОВ, ЎЗА муҳбири.

МИЛЛАТЛАРАРО ҲАМЖИҲАТЛИК

Шу йил июль ойида Италиянинг Удине шаҳрида ЕХХТ камсонли миллатлар бўйича Олий комиссари Ламберто Заньер томонидан чет эллардаги озчиликни ташкил қилувчи элатлар ва қардош этник гуруҳлар ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган халқаро анжуман ўтказилди. Тадбир Больцано тавсиялари қабул қилинганлигининг 10 йиллиги муносабати билан ташкил этилди.

2008 йил Больцано (Италия) шаҳрида қабул қилинган мазкур ҳужжат давлатлар, миллий озчилик гуруҳлари ва камсонли миллатлар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи халқаро ташкилотлар вакилларига зиддиятларнинг олдини олиш, миллатлараро тотувлик ва яхши кўшничилик муносабатларини қўллаб-қувватлашда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.



ЎЗБЕКИСТОНДА
130
дан зиёд

миллат ва элат вакиллари ўзаро бирдамликда умргузаронлик қилмоқда.

БАРҚАРОР ЖАМИЯТ ГАРОВИ

айрим нуқталарда вужудга келган зиддиятлар йиллик давлатлараро можагога айлиниб кетишига йўл қўйилмади.

Мустақкам ҳуқуқий асос

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, мазкур сиёсат Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, қонуности ҳужжатлари, халқаро ҳуқуқнинг муҳим тамойилларига таянган ҳолда олиб борилмоқда.

Худудий яқинлик

Миллатлараро муносабатлар соҳасида мамлакатимиз олиб бораётган сиёсат бир қанча объектив сабабларга кўра, минтақавий ҳамкорликни кучайтиришда алоҳида роль ўйнайди. Биринчидан, Марказий Осиёнинг юрғунда жойлашган Ўзбекистон минтақа давлатлари, шу жумладан, Афғонистон билан ҳам чегарадош. Иккинчидан, бу ерда барча қўшни давлатдаги миллат вакиллари тинч-тотув истиқомат қилади. Учинчидан, этник ўзбеклар Марказий Осиё мамлакатлари кўп миллатли аҳолисининг ажралмас қисми саналади.

Марказий Осиёдаги уйғун миллатлараро муносабатлар минтақавий ҳафсизлик, ўзаро сиёсий ишонч ва ҳурматнинг энг муҳим жиҳатларидандир. Бусиз барқарорлик, минтақавий ҳамкорлик ва раванқ истиқболлари ҳақида гапириш ортқича.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг янги ҳаммаданий сиёсати Марказий Осиёдаги миллатлар-

аро муносабатлар муҳитини секинлаштиришда ўзгаришди. Ўзбекистон ва қўшни давлатларнинг тегишли давлат ҳамда жамоат ташкилотлари ўртасидаги ўзаро алоқалар кенгайтирилди.

Минтақа мамлакатлари ҳуқуқматларининг биргаликдаги интилишлари ўзаро "дўстлик жамиятлари" каби "халқ дипломатияси" механизмларини фаоллаштириш имконини берди. Бу воситалар нафақат давлатлараро муносабатлар, балки чегаранинг ҳар икки тарафига яшовчи этник гуруҳлар вакиллари маданий-гуманитар алоқаларини илгартиришига қаратилган.

Ўзбекистон ва қўшни мамлакатларнинг чегарадош ҳудудлари ўртасида жойлашган ҳокимият ва жамоат органларини фаол жалб қилган ҳолда ҳамкорлик йўлига қўйилди.

Чегарадош ҳудудларда миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустақкамлашнинг рағбатлантириш амалиёти қўшни давлатларнинг туб манфаатларига мос келади. Икки томонлама келишувлар асосида ўзбек — қирғиз ва ўзбек — тоjik чегараларида ўнлаб ўтказиш пунктлари очилди. Чегаралардан беамал ўтиш имконияти, энг аввало, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистоннинг чегара ҳудудларидаги ҳаётни энгиллаштирди. Ўзбекистон билан қўшни мамлакатлар ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорлик яхшиланмоқда.

Ўзбекистон ҳуқуқати томонидан Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида яшовчи этник ўзбеклар учун мактаб қуриб берилди. Тожикистон Самарқандда тоjik тилида таълим берувчи мактаб қурмоқчи

эканлигини билдирди, Ўзбекистон эса қўшни мамлакатнинг Суғд вилоятида мактаб ва шифоҳона барпо этмоқчи. Мунтазам равишда ҳамкорликда маданий-гуманитар тадбирлар ўтказиш амалиёти оммалашиб бормоқда. Бунга Маданият ва санъат кунлари, расмлар ҳамда хунармандчилик махсулотлари кўргазмалари, миллий мусиқа концертлари кабиларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Марказий Осиё мамлакатлари тарихида биринчи марта Хоразм вилоятида "Ўзбек — туркман" дўстлик уйи очилди. У ерда туркман, ўзбек ва жаҳон адабиёти намояндларининг асарлари жамланган кутубхона, икки халқнинг кўп асрлик дўстлигини ўзида акс эттирган музей, турли фан ҳамда санъат йўналишлари бўйича тўғрақлар фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон миллатлараро муносабатлар борасида узоқ муддатга мўлжалланган тизимли сиёсат олиб бормоқда. Бу масалага барқарорлик, ҳафсизлик ва изчил тараққиётнинг энг муҳим омилларидан бири, инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини таъминлашнинг қарорли деб қаралади. Бинобарин, Ўзбекистон мустақиллик йилларида бирор марта ҳам миллий ёки диний руҳдаги зиддият юз бермаган соҳиб иттифоқ ҳудудиди оғз сонли давлатлардан бири эканлиги, албатта, тасодиф эмас.

Ботир ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Стратегия ва минтақалараро тадқиқотлар институти директорининг ўринбосари.

Нигоҳ

Қайд этиш жоизки, ЕХХТ аъзолари — Европа мамлакатлари делегациялари билан бир қаторда бу йилги мунозараларда 2018 йил апрель ойида мамлакатимизга ташриф буюрган Ламберто Заньернинг тақдирига биноан илк бор Ўзбекистон вакиллари ҳам иштирок этди. Унинг сўзларига кўра, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан амалга оширилган, миллатлараро муносабатларни ҳам қарам олаётган чурқуқ ислохотлар туфайли шундай қарорга келинди.

ЕХХТнинг бошқа вакиллари сингари Заньер ҳам мамлакатда олиб бораётган янгилашлар жараёнидан уяна таассуротлар олиб қайтганини эътироф этди. Айнан шу жиҳат Европа жамоатчилигини камсонли миллатлар ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича эришган муваффақиятларимиз билан таништириш учун имконият яратишга туртки бўлди.

Натижада хорижий иштирокчилар, хусусан, нуфузли экспертлар давомида миллатлараро тотувлик ҳамда бағрикенгликни таъминлаш бўйича Ўзбекистон олиб бораётган сиёсатга кучли қизиқиш билдирди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг хориждаги ўзбек диаспораси билан алоқаларни мустақкамлаш борасидаги ташаббуслари алоҳида таъкидланди. Бундан ташқари, Ўзбекистон ҳуқуқатининг Марказий Осиёдаги қўшни мамлакатларда истиқомат қилаётган этник ўзбекларга эътибор қаратаётгани ЕХХТнинг кўпгина давлатлари-

Теран тарихий-маданий илдишлар

Ўзбекистон — тарихан дунё маданиятлари, цивилизациялари чорраҳасида жойлашган мамлакат. Асрлар мобайнида бу ерда бугунги ўзбек жамиятининг ўзига хос хусусиятига айланган, Ўзбекистон халқининг менталитетига тобора кўпроқ дуч келаётгани дунёнинг бир қатор минтақаларида этник айирмачилик кайфиятининг, зиддиятларнинг кучайишига сабаб бўлаётди.

Ана шундай бир шароитда Ўзбекистоннинг миллатлараро муносабатлар соҳасидаги сиёсати жуда самарали бўлиб,



Ламберто ЗАНЬЕР, ЕХХТнинг камсонли миллатлар бўйича Олий комиссари:

— Мамлакатингиз ўз қўшнилари билан чегараларни очди, одамлар эмин-эркин яқинларини кўргани боришпти. Бу ташаббусларнинг ҳаммаси миллатлараро муносабатларга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

қилувчи юртимизда 16 та диний конфессиянинг 2,2 мингдан ортқ ташкилотлари фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб Марказий Осиёдаги миллатлараро муносабатлар масалаларига жиддий эътибор қаратди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, янги тарихнинг мураккаб даврларида минтақада тинчлик ва барқарорлик сақлаб қолинди,

таълим олиб борилмоқда, Миллий телерадиокомпания тизимидаги теле ва радиоканаллар ўз кўрсатув ҳамда эшитиришларини 12 тилда тақдим қилмоқда, ўндан ортқ тилларда газета ва журналлар чоп этиляпти. Ўзбекистоннинг марказий ҳамда маҳаллий ҳокимияти органлари фаолиятида турли этник гуруҳлар вакиллари кенг иштирок этмоқда. Улар орасида сенаторлар ва депутатлар ҳам бор. Хорижий экс-

пертлар қайд этганидек, ҳозир Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларида ҳам бундай тажрибани қўллашга катта эҳтиёж бор. Ўзбекистоннинг турли миллатга мансуб фуқаролари ҳуқуқ-манфаатларини рўйга чиқариш ва миллатлараро муносабатларни янада уйғунлаштиришда этник гуруҳ вакиллари томонидан ташкил қилинган мамлакатдаги 138 миллий маданий марказ ҳамда 34 та дўстлик жамиятининг ўрни катта.

Маҳаллий Кенгашларда

Соғлом овқатланишга оид масалалар таҳлил этилди

Маълумки, Олий Мажлис Сенати халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва туманлари Кенгашлари ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолияти устидан самарали депутатлик назоратини ташкил этиш ва амалга оширишда кўмаклашади. Шу мақсадда икки ҳафта мобайнида пойтахт туманларида фаолият юритаётган маҳаллий Кенгашлар вакиллари билан қўшма мажлислар ташкил этиб келинмоқда. Ҳар бир туман ҳаётига оид бир неча долзарб масалалар ўртага ташланиб, уларнинг амалий ечимига доир тақлифлар ўрганиляпти.

Жумладан, Олий Мажлис Сенати Кенгаши ва халқ депутатлари Миробод тумани Кенгашининг қўшма мажлисида Тошкент шаҳар, Миробод тумани ҳокимликлари раҳбарларининг Президентимиз томонидан белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ахборотлари эшитилди. Туманда соғлом овқатланиш ташкил қилиш ва аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг аҳоли ҳам эътибордан четда қолмади. Республика ишчи гуруҳи томонидан мавжуд 39 та

маҳалла уйма-уй юриб ўрганилди. Аниқланган муаммолар, асосан, бандликни таъминлаш, бўш турган бино ва объектлардан самарали фойдаланиш, соғлиқни сақлаш, таълим, коммунал хизматлар кўрсатиш, ободонлаштириш ва йўллари таъмирлаш, кадарст ҳужжатларини расмийлаштириш, куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш каби соҳаларга таллуқли.

Тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини амалга ошириш, хусусан, хорижий инвестициялар жалб қилиш доирасида салмоқли ишлар амалга оширилган, — дейди Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси раиси Алишер Курманов. — Жумладан, 17 миллион доллар маблағ ўзлаштирилган. Натижада 1 минг 496 та иш ўрни яратилган. Худудий экспорт дастури доирасида 10,279 миллион долларлик махсулотлар ишлаб чиқарилган. Аммо бу туман салоҳияти тўлиқ ишга солинди, дегани эмас. Яна кўлаб истиқболли тармоқлар ва соҳа-

лар борки, замонавий менежмент ёндашувини, ташаббускорлик ва профессионал кадрлар иштирокини талаб этади. Шу нуқта назардан йигилишда амалга оширилиши кўлаб-қувватлаш борасида қилинаётган ишларни аҳолига етказиш борасида ҳам зарур тадбирлар белгилан олди.

Шунингдек, қўшма мажлисда таълим муассасалари, хусусан, боғча ва мактабларда болаларнинг соғлом овқатланишини ташкил этиш юзасидан олиб борилган ишлар танқидий рўнда кўриб чиқилди.

— Бу муаммо нафақат Миробод тумани микёсида, балки пойтахтнинг бошқа туманларида ҳам атрофлича

ўрганиляпти, тегишли ҳулосалар қилинмоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Ҳотамжон Қетмонов. — Мактаблар атрофида қонуний савдо билан шуғулланаётган шахслар, айниқса, улар томонидан озиқ-овқат ва истеъмол махсулотларининг сотилаётгани болалар саломатлигига салбий таъсир кўрсатган ҳолатлар аниқланган. Бу каби ҳолатларга йўл қўймаслик учун эса энг аввало, таълим муассасаларидаги ошоналар фаолиятини кучайтириш ва сифатини ошириш, санитария-эпидемиология талабларига жавоб беришини таъминлаш зарур. Бу иш фақат соғлиқни сақлаш ва халқ таълими вазирликлари масъулиятидаги иш эмас. Бунда туман Кенгаши депутатларининг ҳам масъулияти жуда юқори бўлиши, болаларнинг соғлом овқатланиши жамоатчиликнинг доимий эътиборидаги масалага айланиши лозим.

ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда. Шунингдек, Олий Мажлис Сенати Кенгаши томонидан халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларида оилавий маросим ва тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш масалалари бўйича комиссиялар тузиш тўғрисидаги қарорнинг мазмун-моҳияти, туманда намунали оилавий тадбирлар ўтказилишини ташкил этиш, ортқча дабдаба, миллий қадриятларимизга эид маросимларга, номақбул одатларга йўл қўймаслик бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида фикр урилди.

Мажлисларда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мунисон КАРИМОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

ВАТАН РАВНАҚИ ЙЎЛИДА ХИЗМАТ ҚИЛИШ — ОЛИЙ САОДАТ

Истиқлолимизнинг 27 йиллик шодиёналари кўтаринки кайфиятда, ҳар қачонгидан ўзгача нишонланди. Бошқа йиллардагидан фарқи ўлароқ, халқимиз кетма-кет беш кун мобайнида байрам шуқуҳидан завқланиб, оиласи билан биргаликда дам олиб, хордиқ чиқарди. Бу барчада миннатдорлик туйғусини уйғотди

Депутат фикри

Ахир энг улғу, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик кунини халқимизга тинчлик-осойишталикдек буюк нэматдан баҳра олиб ҳаёт кечирishi, фарзандларининг ўйин-кулусини кўришдек бахтга тамал тоши қўйилган кун. Шу сабаб биз ҳар йили ушбу санани катта тайёргарлик билан кўтиб оламиз.

Айни пайтда мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг микёсда, шиддатли ислохотлар мустақилликимизни янада мустақкамлаш, Ватанимизни ошдиёрга айлантириш, энг муҳими, одамларни рози қилишга, халқимизнинг фаровон турмушини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқини эшитиб, унда келтирилган рақам ва натижаларни тинглаб, тўлқинландик. Йўқ, бу шунчаки рақамлар эмас эди. Дунёдаги энг қашшоқ давлатларга ҳам муайян иқтисодий кўрсаткичларга эришилади. У рақамлар одамларнинг қорини оч қолдирамади асос бўлар, аммо тафаккурини, онгу шуурини ўзгариштиришга қодир бўлмаслиги мумкин.

Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг нутқидан келтирилган кўрсаткич ва ютуқлардан ташқари, энг аҳамиятли бир ўзгариш ҳақидаги фикри эъти-

боримизни тортиди: яъни бугунги кунда халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қила бошлагани учун ҳам одамларнинг фикри, дунёқарашини ўзгартириш. Эл-юртимиз ўз кучи ва имкониятларига, эртанги кунга ишонч билан қарамоқда.

Халқ билан бевосита мулоқот олиб бориш, унинг дарду ташвишлари билан яшаш, эл-юртимизни рози қилиш — Президентимиз таъбири билан айтганда, вақтинчалик кампания эмас. Бу — халқимизнинг фаровон ҳаётини, юртимиз раванқини таъминлашга қаратилган узоқ муддатли стратегия.

Биз халқ вакили, депутат сифатида бугунги ислохотлар жараёнида, мамлакатимиз тақдирига дахлдор барча масалада парламентнинг ҳам ўрни ва роли ошиб бораётганидан, юртимиз тараққиёти, халқ фаровонлигини таъминлашга оз бўлса-да, ҳисса қўшаётгани миздан гуруҳларимиз, масъулиятни ҳис қиламиз.

Давлатимиз раҳбари нутқини мушоҳада қилар эканмиз, Ватанимиз тараққиётининг янги босқичида юз берган ўзгаришлар, амалга оширилган ислохотлар кўз олдимдан бирмабир ўта бошлади. Юртимизда фаровонликнинг муҳим омиллари бўлмиш фаол инвестиция сиёсати юритилмоқда. Солиқ тизими тубдан ислоҳ қилиниб, тадбиркорлик ва хусусий мулкни ривожлантириш, ишбилармонликни қўллаб-қувватлаш,

Дарҳақиқат, ўтмишда ҳам ўз халқи билан ҳисоблашган, кенгашган, ҳолидан хабар олган раҳнамолар улғуликка эришгани, одиллик билан давлатни идора этганидан яхши хабардоримиз. Шу маънода, Президентимизнинг мазкур сўзларини барчамиз ҳалол меҳнатимиз билан, сидқидилдан хизмат қилиб, элимизнинг олқисини олишга қаҳриқ, деб қабул қилдик. Бу қаҳриқ эса, фаолиятимизнинг муҳим мезони бўлиб қолди.

Қаҳрамон ЭРГАШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

Спорт



Темур МАММАДИМИНОВ (ўса) оғир вазн.

Дунё полвонлари Президент соврини учун беллашди

Пойтахтимизда кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун I халқаро турнир якунига етди. Унда дунёнинг 40 та давлатидан келган полвонлар мутлақ вазн тоифасида гиламга чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Кураш халқаро ассоциацияси ва мамлакатимиз кураш федерацияси томонидан бир неча давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу халқаро мусобақа қизгин баҳсларга бой бўлди.

“Ўзбекистон” спорт мажмуасига йилгилан минглаб мухлислар соврин жағмараси 100 минг АҚШ долларини ташкил этган ушбу нуфузли турнирда дунёнинг 40 та давлатидан ташриф буюрган полвонларнинг мурасисиз баҳслари гувоҳига айланган.

Айтиш керакки, кейинги йилларда миллий спорт турими — курашнинг обрўи тобора ортиб, оммалашиб бормоқда. Яқинда ўтказилган Осиё ўйинларида миллий спорт турининг расман киритилиши, кураш бўйича жаҳон ва китъа чемпионатлари, нуфузли мусобақалар мунтазам уюштирилаётгани ҳеч муболағасиз унинг келажак спорти сифатида Олимпия ўйинлари дастуридан жой олишига ишонч бағишлайди.

Энг сара чавандозларнинг нуфузли мусобақаси

Тошкент вилоятидаги “Алпур” мажмуасида от спортининг тўсиқлардан сақраш (конкур) тури бўйича жаҳон кубоги финал босқичи бошланди.



Мазкур нуфузли мусобақа Осиё давлатлари орасида илк бор Ўзбекистонда ўтказилаётгани мамлакатимизда ушбу спорт тури ва йилқичилик, соҳа инфратузилмаси, жадал суръатларда ривожланиб бораётганининг ёрқин ифодасидир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон йилқичилиги ва от спорти федерацияси мутасаддиларининг айтишича, йилқи мусобақага мезобонлик қилиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун Португалия ва Экватор давлатлари ҳам ўз номзодини илгари сурган эди. Халқаро от спорти федерациясининг ўтган йили Уругвайда бўлиб ўтган йилгилишида Жаҳон кубогининг финали Ўзбекистонда ўтказилиши сайлов йўли билан аниқлаб олинди. Бу нафақат соҳа фидойилари, балки шу спортта меҳр қўйган миллионлаб юрдашларимизни ҳам қувонтирди.

Айтиш жоизки, нуфузли мусобақанинг Тошкент баҳсларида жаҳоннинг ўттиздан ортиқ давлатларидан келган маҳоратли чавандозлар ва от спорти усталари иштирок этмоқда. Улар орасида икки нафар ҳамюртимиз борлиги, айниқса, қувонарлидир.

Нодирбек ИБОДУЛЛАЕВ.

Халқаро кўргазма

Кулай ишбилармонлик муҳити ва соғлом рақобат. Қаерда ушбу тамойилга амал қилинса, ўша жойга қизиқиш ортади. Инвестиция оқими кўпайиб, янги-янги лойиҳалар рўйбга чиқарилади. Аҳоли бандлиги таъминланади. Турмуш даражаси ахшиланади. Энг асосийси, бунинг натижасида мамлакат иқтисодийти тараққий топади. Маҳсулотлар жаҳон бозорига кириб боради. Бугунги кунда Ўзбекистон халқаро доирада ана шундай салоҳиятли давлат сифатида эътироф этиляпти.

ТЎҚИМАЧИЛИК ВА МОДА саноатида қандай янгиликлар?

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуасида «Тўқимачилик ускуналари ва технологиялари — САТМЕ — 2018» ҳамда «Текстиль ва мода саноати — UzTextileExpo — 2018» халқаро кўргазмалари фаолияти билан яқиндан танишган киши бунга батафсил жавоб топади.

Дарҳақиқат, илгари мамлакатимизда етиштирилган пахта, асосан, хом ашё сифатида сотилар, уни қайта ишлаш масаласига эса эътибор етарли даражада эмасди. Кейинги йилларда жаҳонга машҳур компаниялар билан ҳамкорликда пахта таласини чуқур қайта ишлашга ихтисослаштирилган кўлаб қўшма ва хорижий корхоналар фаолияти йўлга қўйлаётгани диққатга сазовор. Соҳани модернизация ва диверсификация қилиш, ташқи бозорларда харидорларга тайёр маҳсулотларни кўпайтиришда давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 14 декабрдаги «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, айниқса, муҳим аҳамият касб этмоқда.

Халқаро кўргазмалар бу каби имкониятларни кенгайтириш, ўзaro маънафатли алоқаларни мустаҳкамлаш учун муҳим майдондир. Зеро, унинг иштирокчилари сони ҳам, намойиш этилаётган маҳсулотлар тури ҳам кўпай-

ва технологиялари — САТМЕ — 2018» халқаро кўргазмаси павильонларида тўқув, бўйш, ишлов бериш, йнгирув, тайёрлов, ўраш, кимёвий воситалар, сув тозалаш, тикув, нақш бериш, босма, қадоқлаш ускуналарига кенг ўрин берилган бўлса, «Текстиль ва мода саноати — UzTextileExpo — 2018» халқаро кўргазмасида эса «B2B», «B2C» мулоқотлари, модalar намойишига катта эътибор қаратилган. Шунингдек, халқаро тадбирлар доирасида қатор ҳужжатлар имзоланиши қўзда тутилган.

хос йирик аниқланганга айланган мазкур тадбирларда янгиликлар бисёр. Ҳамкорлик бўйича музокаралар авж-ида. Кимдир соҳа учун зарур бўлган маҳсулотлар сотишни истаса, бошқа бирор замонвий ускуналарни харид қилишга қизиқиш билдирапти. Ўзарo келишувларга эришилмоқда.

«Хозиргина «Ал Ҳаким» корхонасига кийим-кечаклар ёқасини тикишга мўлжалланган «Жакарда» ускунасини сотиш бўйича шартнома имзоладик, — дейди «Boosan SanteX» корхонаси раҳ-

Факт ва рақамлар

Халқаро кўргазмаларда 480 яқин компания ва фирмалар вакиллари қатнашмоқда.

2012 — 2017 йиллар мобайнида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 150 баробар кўпайди.

Жорий йилда республикаимизда 13 та тўқимачилик кластери барпо этилади.

Халқаро кўргазма инновацияларга асосланган, энг замонвий технология ишланмалар уйғунлашганлиги билан ажралиб турибди. Бу ерда тўқимачилик соҳасидаги барча босқични қамраб олган жараённи кузатиш мумкин. Жумладан, «Тўқимачилик ускуналари

Хар икки кўргазма инновацияларга асосланган, энг замонвий технология ишланмалар уйғунлашганлиги билан ажралиб турибди. Бу ерда тўқимачилик соҳасидаги барча босқични қамраб олган жараённи кузатиш мумкин. Жумладан, «Тўқимачилик ускуналари

бари Собиржон Пулатов. — Биласизми, бу каби тадбирлар биз, ишбилармонлар учун мана шундай имкониятлар яратиши билан мўъжиз. Корхонамиз ташкил этилганига эндигина икки йил тўлди. Лекин шу вақт ичида, хусусан, ўтган йилги кўргазмада кўлаб

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНАЛР АКАДЕМИЯСИ

илмий-тадқиқот муассасалари тасарруфидаги таянч докторантура ва докторантурага 2019 йил учун қуйидаги илмий йўналишлар бўйича қабул эълон қилади:

- физика-математика ва техника;
• табиий фанлар;
• ижтимоий-гуманитар фанлар.

Қабулга тегишли барча зарур маълумот ва талаблар билан Фанлар академияси, илмий-тадқиқот муассасалари, илмий ишлаб чиқариш биришмалари ва марказлари ҳамда минтақавий бўлимларида танишиш мумкин.
Хужжатлар 2018 йил 15 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади.
Таянч докторантурага кириш имтиҳонлари ва докторантура учун суҳбат 2018 йил 1 — 25 ноябрь кунлари бўлиб ўтади.
Таянч докторантурага кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширади:
■ чет тили (таълимнинг олдинги даражасида ўрганилган хорижий тил);
■ мутахассислик.
Таянч докторантурага кирувчи номзодлар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:
■ олий таълим муассасаси магистратураси дипломи, магистр даражаси жорий этилганча олинган олий маълумот тўғрисидаги дипломага эга бўлиши;
■ муайян илмий натижаларга, шу жумладан, диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган, илмий журналлар ва нашрларда чоп этилган камида битта илмий мақола ва илмий-амалий конференцияларда тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларига киритилган иккита маъруза-тезисга эга бўлиши;
■ хорижий тилни магистратура битирувчисининг тегишли даражасида билиши;
■ замонвий ахборот-коммуникация технологияларидан, шу жумладан, интернетдан фойдалана олиши.
Докторантурага кирувчи номзодлар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:
■ фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёхуд уларга тенглаштирилган хорижий давлатларда олинган илмий даражалар;
■ фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёхуд уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар олингандан сўнг муҳим илмий ютуқларга эришиш, шу жумладан, фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий журналларда чоп этилган камида учта илмий мақолага ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида камида иккита тезисга эга бўлиш.
Бошқа шаҳарлардан келган мутахассислар ётоқхона билан таъминланади.
Қўшимча маълумот ва қабул квоталарини www.academy.uz сайтидан олиш мумкин.
Маълумот учун телефонлар: (0-371) 233-59-46, 236-77-07.

Кичик бизнес субъектлари ва хўнарандлар диққатига!

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 августдаги 676-Ф-сонли фармойиши ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2018 йил 20 августдаги 1240-сонли қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун «Ташаббус — 2018» кўрик-танловининг тўртинчи босқичлари 2018 йил 10 сентябрдан 21 сентябргача ва Тошкент шаҳар босқичи 24 октябрда Олмазор тумани «Зарқайнар» миллий либослар галереяси биносида ўтказилади.
Ушбу кўрик-танловда иштирок этиш истагидаги кичик бизнес субъектлари ва хўнарандлар туман тадбиркорликка қўмаклашиш марказларига тегишли хужжатлар орқали мурожаат қилишлари мумкин.
Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 236-78-45, 233-74-94, 233-46-71.

ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Шахрисабз кўчаси, 3-уйда жойлашган маъмурий биносининг реконструкция кўриб бўйича корхоналар ўртасида қуйидаги шартлар асосида қайта танлов эълон қилади:

Танловда қатнашувчи корхона ва ташкилотлар мазкур ишларни амалга ошириш бўйича камида 3 йиллик иш стажига, 10 йиллик иш стажига эга бўлган камида 7 кишидан ibтарот малакали муҳандис-техник мутахассисларга, шунга ўхшаш ишларни амалга ошириш бўйича ихтисослаштирилган машина ва механизмларга, банкдан олинган кредит, факторинг, лизинг ва уларга ҳисобланган фоиз тўловлари (қарздорлик) ҳамда 2-сонли картотека қарздорликлари, охириги 3 йиллик молиявий ҳолати ҳамда бажарилган ишлар ва солиқдан қарздорлиги тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиш зарур.

Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин:

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Шахрисабз кўчаси, 3-уй.
Телефон: (0-371) 120-45-72.

Ишларни бажариш қиймати ва аниқ муддатлари кўрсатилган тижорат тақлифлари алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда, эълон чоп этилган санадан бошлаб 7 кун мобайнида қабул қилинади.

Эслатма: пудратчи ташкилотлар ўз тижорат тақлифларида юқорида кўрсатилган барча талабни, албатта, назарда тутишлари шарт.

Халқ сўзи Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуничилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 945. 76 732 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибхона (0-371) 233-10-28; Ўзловлар (0-371) 232-11-15.

Тажрибати келган кўлаблар таъриф қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштириш ташкилот жавобгар.
Газета таъриятинг компьютер марказида терияди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатини чоп этилишига «Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Б. Ғофуров.
Мусаҳҳаф — Ш. Машраббоев.
«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.55 Топширилди — 02.25 2 3 4 5 6